

first financial regulatory sandbox was implemented in 2016 in the United Kingdom to support the spread of financial innovation. To date, about 20 projects are already underway around the world, which are at various stages of development. In addition to the UK's efforts, achievements in Asian markets such as Hong Kong and Singapore also stand out. Regulatory sandboxes facilitate the communication process between firms that implement financial innovations and regulators, while having a stimulating effect on fintech companies. In this regard, it is of great importance to ensure the continuity of financial regulatory sandboxes even in the face of a slowdown in economic processes due to the fight against the coronavirus pandemic.

- Application of regulatory technologies. The solution to the regulatory challenges posed by the rapid development of new financial technologies lies in the technologies themselves, which can facilitate regulatory monitoring by providing information and following requirements. Focusing regulatory technologies on anti-money laundering, know-your-customer (KYC) compliance, and automating the disclosure process will significantly reduce the cost of compliance with new financial technologies.

Literature review

1. Alymkulova A.S. Prospects for the development of the world economy in the post-crisis period. — 2018. — № 8. — 23–32.

2. Balyuk I.A. On the Problem of External Debt Growth in the Context of Globalization of the World Economy. — 2016. — № 5. — S. 75–81.

3. Kostin A.B. Analysis of Crisis Phenomena in the World Economy. — 2019.

4. Lukyanov V.L. Finansializatsiya kak proyavlenie globalizatsionnoy transformatsii Financialization as a manifestation of globalization transformation. — 2013.

5. Osik Y.I. Deglobalization of the World Economy as a Consequence of Its Financialization // International Journal of Applied and Fundamental Research. 2014.

6. Otsich Ch., Bukvich R. Finansialization and Modern Economic Crises. 2013. № 3. S. 3–17.

7. Rodina G.A. Modern Financialization as a New Quality of the Economy. 2019. № 4. S. 37–43.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА “ЯШИЛ” МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шаисламова Наргиза Кабиловна

“Баҳолаш иши ва инвестициялар”

кафедраси доценти, PhD, ТДИУ

Барқарор ривожланиш (инг. sustainable development) 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит ва Тараққиёт Конференцияси (UNCTAD) ташкил этилгандан буён халқаро

ҳамжамиятнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Дунё бўйлаб кўплаб ҳукуматларнинг Барқарор ривожланиш бўйича миллий стратегияларни амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларига, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан миллий ҳукуматларни қўллаб-қувватлашларига қарамай, ушбу мамлакатларда глобал иқтисодий ва экологик ривожланиш билан боғлиқ ҳавотирлар сақланиб қолмоқда. Сўнгги пайтларда юз бериб келаётган глобал инқирозлар – энергетика, озиқ-овқат ва молиявий инқирозлар натижасида Барқарор ривожланишга эришиш масаласи янада долзарб вазифалардан бирига айланди ва биз сайёрамизнинг экологик чегараларидан ошиб кетаётганимиз ҳақида дунё олимларининг тобора қаттиқроқ “жар солаётганликлари”га гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бугунги кунда ҳукуматлар ўз мамлакатлари учун сайёрамиздаги ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олиб, ушбу ўзаро боғлиқ инқирозларни ҳал қилишнинг самарали усуллари қидиран экан, яшил иқтисодиёт (ва унинг турли кўринишлари) кўпинча миллий сиёсат ва халқаро ҳамкорликни ривожлантирувчи “катализатор” ҳамда барқарор ривожланишга ёрдам берувчи энг мақбул бўлган восита сифатида қаралмоқда. “Рио+20” конференциясида ҳукуматлар яшил иқтисодиётни барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим дастаги сифатида қараб, унинг инклюзив хусусияти иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандликни таъминлаш, қашшоқликка барҳам бериш билан бирга, сайёра экотизимларининг соғлом ишлашини таъминлашини қайд этиб ўтдилар.

Сўнгги йилларда “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва “яшил” ўсиш ташаббусларини амалга ошириш мақсадида қатор нуфузли ташкилотлар тузилмоқда ва улар турли дастурлар ишлаб чиқмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит дастури (UNEP), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти (UNDESA), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Конференцияси (UNCTAD), Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD), Глобал Яшил ўсиш институти (GIGI), Яшил иқтисодиёт бўйича ҳамкорлик (GEP), Яшил ўсиш билим платформаси, Яшил иқтисодиёт коалицияси (<https://www.greenecomomycoalition.org>), Манфаатдор томонлар форуми, Яшил ўсиш етакчилари ва бошқалар мавжуд потенциални кўпайтириш ҳамда билим ва тажрибаларни ошириш устида ишламоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам аҳоли сонининг мунтазам ўсиб бораётганлиги, сув танқислиги билан боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳаларида муаммоли ҳолатлар юзага келаётганлиги, натижада гўшт, картошка, ёғ маҳсулотлари, шакар маҳсулотлари кабилар импортининг мунтазам ошиб бораётганлиги, энергетик коллапсларга йўл қўймаслик кабилар мамлакатимизда ҳам яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини тобора жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра “2030 йилга бориб Ўзбекистонга 7 миллиард куб метр сув етишмайди”.

Германиянинг Statista таҳлилий статистика компанияси прогнозлари бўйича, 2040 йилга бориб дунёнинг 44 та мамлакатида экстремал даражада юқори (>80) даражада сув танқислиги кузатилади. Афсуски бу рўйхатда Марказий Осиё давлатлари ҳам мавжуд.

Келтирилган жиҳатлар боис халқаро ташкилотлар ва алоҳида ҳукуматлар томонидан иқлим ўзгаришларига қарши фаол амалий ишлар бошлаб юборилган бўлса, бошқа томондан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини яшил иқтисодиётга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан яшил иқтисодиёт ресурс тежамкорлигига имкон бериш билан бирга аҳоли ўсиши фонида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, турмуш фаровонлиги юксалишига ҳам хизмат қилади. Бу борада иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланган энергетика тизимини яшил иқтисодиёт принциплари асосида ривожлантириш глобал миқёсда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Перзендентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-57 сонли Қарори ҳам муҳим амалий қадамлардан бўлди. Миллий “иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори” бўлиб турган бир вақтда яшил энергияга ўтишнинг зарурлигини тақозо этмоқда. Қайта тикланувчи энергияга жадал тарзда ўтиш иқтисодиёт ва жамият учун икки томонлама самара келтиради.

“Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали 2023 йилда қўшимча 5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилиш”⁸¹ имконини беради. Натижада, бир томондан табиий газ тежаш имконияти ортса, иккинчи томондан ҳавога карбонат ангидрид газни чиқарилиши камаяди. Ўзбекистонда яшил энергияга ўтишни молиялаштириш мақсадларга жами 15,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни йўналтириш кутилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ҳам қуёш панеллари сотиб олиш учун фаол тарзда кредитлар ажратилмоқда, бугунги кунга келиб, бу кредитлар миқдори 227,6 млрд. сўмдан ошиб кетди. Тижорат банкларининг 1,1 миллиард долларлик кредит маблағлари, 610 миллион долларлик корхоналарнинг ўз маблағлари, 150 миллион долларлик хорижий молиявий ташкилотлар маблағлари ва давлат бюджетидан 100 миллион долларлик маблағлар яшил энергетика мақсадларида йўналтирилиши белгиланган. Алоҳида қайд этиш керакки, бунда давлат бюджети маблағлари бюджет ташкилотларининг яшил энергияга ўтиши учун йўналтирилади.

⁸¹ <https://lex.uz/docs/6385716>

Охирги уч йилда жойларда 3,5 гигаваттли 16 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди, 35 та кичик ГЭС қурилди. Саноатда “яшил энергия” сертификати тизими жорий қилинди. Қуёш панеллари ўрнатган хонадонлар 60 мингдан ошди.⁸² Мазкур инвестиция лойиҳалари Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar”, “Tepelen Group AG” ва “Solar Power Shine”, Франциянинг “Total Energies”, “Voltalia”, Хитойнинг “China Energy Overseas Investment”, “China Datang Overseas Investment” ҳамда “Universal Energy” каби компаниялари томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 24 млрд 374 млн АҚШ долларини ташкил этиб, уларнинг барчаси хорижий компаниялар томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига бажарилади.

Тизимли ишлар натижасида 2026 йилга бориб, Ўзбекистонда умумий қуввати 9947 мегаватт, 2030 йилга бориб эса 20000 мегаваттдан ортиқ бўлган қуёш ва шамол электр станциялари фаолият юритиши кутилмоқда. Мазкур “яшил” лойиҳалар ишга туширилгач, 2030 йилга бориб, йилига 50 млрд кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бунинг натижасида ҳар йили қарийб 15 млрд куб метр табиий газ тежалади. Бундан ташқари, атмосферага 21 млн тонна зарарли газ чиқарилишининг олди олинади ва Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 40 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади⁸³.

Бугунги кун амалиётида яшил иқтисодиётга ўтишда яшил кредитлардан ташқари яшил молиялаштиришнинг бошқа кўплаб инструментлари ҳам қўлланилмоқда. Жумладан, яшил ва кўк облигациялар, яшил суғурта, яшил бюджети, яшил сукук кабилар шулар жумласидандир. 2022 йилда яшил облигациялар эмиссияси 1 триллион АҚШ долларидан ошган бўлса, 2023 йил 6 октябрда O‘zbekiston Respublikasi ilk bor 4,25 trln so‘m miqdoridagi “yashil” suveren xalqaro obligatsiyalar hamda 660 mln dollar miqdoridagi xalqaro obligatsiyalarni London fond birjasida joylashtirdi.⁸⁴

Яшил корпоратив облигациялар чиқариш тартиб-қоидалари 2024 йил 7 июндаги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги буйруғида акс эттирилган⁸⁵.

Ўзбекистонда яшил энергетика лойиҳаларини амалга ошираётган Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси ҳам бу борада 2021 йилда 747 миллион АҚШ доллари миқдори эквивалентида сукук эмиссия қилганлигини алоҳида қайд этилганлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек

⁸² <https://president.uz/uz/lists/view/7839>

⁸³ <https://gov.uz/uz/minenergy/news/view/29602>

⁸⁴ <https://www.imv.uz/news/category/yangiliklar/post-1621>

⁸⁵ https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/yashil_korporativ_obligatsiyalar_qanday_chiqariladi

яшил иқтисодиётни молиялаштиришда суверен ва корпоратив сукук билан бир вақтда хорижий мамлакатларда суверен яшил сукук ва корпоратив яшил сукук муваффақиятли жойлаштиришдан фаол фойдаланилмоқда. Энергия ислохотини жадаллаштириш, бунда энергиядан тежаб фойдаланишга рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш лозим. Мамлакатимизда энергия сарфи кескин юқори шароитда тезкор амортизацияга ҳам рухсат беришимиз лозим. Чунки технологияларнинг мунтазам янгиланиб бориши бир томондан самарадорликни оширса, иккинчи томондан энергия сарфини камайтиради. Бу борада Сингапурнинг технологик ва яшил тараққиёти ҳар томонлама ўрганишга арзигулик.

Фикримизча, миллий иқтисодиётда “яшил” молиялаштиришни ривожлантиришнинг асосий йўллари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. “Яшил” облигацияларни ривожлантириш: қайта тикланадиган энергия, барқарор транспорт ва инфратузилма каби экологик тоза лойиҳаларни молиялаштириш учун фойдаланиладиган корпоратив “яшил” облигациялар чиқаришни кўпайтириш.

2. Қайта тикланадиган энергия манбаларига инвестициялар: қуёш, шамол, гидроэнергетика лойиҳалари ва энергия сақлаш технологияларига хусусий ва давлат инвестицияларини кенг жалб қилишни йўлга қўйиш.

3. Барқарор бизнес моделларини қўллаб-қувватлаш: Барқарор технологиялар, қайта ишлаш ва ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасида ишлаётган стартаплар ва компанияларни қўллаб-қувватлаш дастурларини яратиш.

4. “Яшил” кредитлар ва “яшил” ипотека: яшил лойиҳалар ва кам углерод чиқиндиларини чиқарадиган кўчмас мулкларни кредитлаш учун қулай шартларни таклиф қилувчи банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

5. Атроф-муҳит рейтинглари ва сертификатлаш: компаниялар ва лойиҳаларнинг экологик барқарорлигини баҳолаш учун стандартлар ва сертификатларни ишлаб чиқиш, бу ишлар инвесторларга асосланган танловни амалга оширишда ёрдам беради.

6. Давлат имтиёзлари: барқарор технологиялар ва лойиҳаларга сармоя киритувчи компаниялар учун солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва грантлар жорий этиш.

7. Соҳага оид савдхонликни ошириш: инвесторлар ва кенг жамоатчилик ўртасида “яшил” молиялаштириш ва барқарор ривожланишнинг афзалликлари ҳақида хабардорликни ошириш.

8. Халқаро ҳамкорлик: углерод чиқиндиларини камайтириш ва яшил технологияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро ташаббуслар ва келишувларда иштирок этиш.

Умуман, яшил молиялаштириш кўламини ошириш яшил иқтисодиётга ўтишнинг жадаллашувига хизмат қилади. Шу боисдан ҳам юқоридагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.